

Миср Индонезияга Қуръоннинг маънолар таржимасини совға қилди



16:00 / 12.01.2021 1704

Миср фондлари Вазирлиги 10 январь куни Индонезиянинг Қоҳирадаги элчихонасига 200 нусхада «Қуръони Карим ва Индонез тилидаги маънолар таржимаси»ни Индонезиядаги университетлар, мактаблар ва диний муассасаларга тарқатиш учун совға қилди. Бу ҳақда Misravi нашри хабар берди.

Бундан ташқари, Вазирлик Ал-Азҳар университетига ўқишга кирган 75 нафар индонезиялик талабаларга ҳам «Қуръони Карим ва Индонез тилидаги маънолар таржимаси»ни нусхасини тақдим этди.

Сўнгги йилларда Миср асослари Вазирлиги Ислом ишлари бўйича олий Кенгаши билан ҳамкорликда Қуръони Каримнинг маънолар таржимасини

10 тилга: инглиз, француз, немис, испан, рус, хитой, суахили, индонез, корейс ва албан тилларига таржима қилди.

Ушбу хайрли ишлар Қуръоннинг маънолар таржималарини турли мамлакатларда нашр этиш, Ислом динини тўғри тарғиб қилиш ва араб тилини билмайдиганларга Қуръон маъноларидан фойдаланишда ёрдам бериш мақсадида амалга оширилди.

Хуршид Маъруф тайёрлади